



Ислом Нури

Абу Муслим ривоят қилиб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозга) борган йўлларида бошқа йўлда қайтардилар (Имом Бухорий ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Ийд кунида пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозга) борган йўлларида бошқа йўлда қайтардилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Муслим ривоят қилиб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (намозга) борган йўлларида бошқа йўлда қайтардилар (Имом Бухорий ривояти).

Умму Атийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни фитр ва азҳо (ҳайити) кунлари болиға қизларни, ҳайзли аёллар ва чимилдиқ соҳибаларини (намозгоҳга) олиб чиқишга буюрардилар. Ҳайзли аёллар намоздан четланишар, яхшиларнинг ибодатларида ва мусулмонларнинг дуоларида ҳозир бўлишарди. Мен: «Ё Расулуллоҳ, баъзи бирларимизнинг жилбоби (ёпинчиғи) бўлмайди», деган эдим: «Опасинглиси унга ўз жилбобидан кийдирсин», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ийд намозига чиқсалар, бир йўлдан бориб, бошқасидан қайтиб келардилар. Аёлларни, ҳатто энди



бўйга етган қизларни ва ҳайзли аёлларни ҳам мусулмонларнинг йиғинига, зикр ва дуоларига ҳозир бўлиш учун намозгоҳга олиб чиқишга буюрардилар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Ийд намозига бир йўлдан бориб, бошқа йўлдан қайтишнинг мустаҳаблиги;
2. Аёлларнинг ўранган ҳолда ийд намозига чиқишларининг мустаҳаблиги.